

4/2023,  
iyul-  
avgust  
(№ 00066)



## ДАРОМАДЛАРНИ ҚАЙТА ТАҚСИМЛАШ МЕХАНИЗМИ ВА УНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

**Хажиев Бахтиёр Душабоевич**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди. [b.khajiyev@tsue.uz](mailto:b.khajiyev@tsue.uz)

<https://orcid.org/0000-0002-4306-5854>

DOI: [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss4/a27](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss4/a27)

### Аннотация

Ушбу мақолада миллий иқтисодиётда яратилган даромадларни қайта тақсимлаш жараёнлари, уларнинг адолатлилиги ва самарадорлигини баҳолаш мезонлари, унга таъсир қилувчи табиий омиллар ва инсоний фазилатлар каби масалалар ёритилган. Шунингдек, қайта тақсимлаш жараёнларининг адолатлиигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** тақсимот, бирламчи ва иккиламчи тақсимлаш жараёнлари, даромад, истеъмол ва жамғармага мойиллик, бузғунчи ижтимоий муносабатлар.

### МЕХАНИЗМ ПЕРЕРАСПРЕДЕЛЕНИЯ ДОХОДОВ И ЗАКОНОМЕРНОСТЬ ИХ ФУНКЦИОНИРОВАНИЕ

**Хажиев Бахтиёр Душабоевич**

Доцент Ташкентского государственного экономического университета, кандидат экономических наук

### Аннотация

В статье обсуждаются такие вопросы, как перераспределение доходов, созданный в национальной экономике, критерии оценки их справедливости и эффективности, природные факторы, влияющие на это, и человеческие качества. Также дано научные предложения и практические рекомендации для обеспечения справедливости и эффективности процессов перераспределения.

**Ключевые слова:** распределение, процесс первичной и вторичной распределении, доход, склонность к потреблению и сбережению, деструктивные социальные отношения.

### THE MECHANISM OF INCOME REDISTRIBUTION AND THE REGULARITY OF THEIR FUNCTIONING

**Khazhiev Bakhtiyor Dushaboevich**

Associate Professor at Tashkent State University of Economics, Candidate of Economic Sciences

### Abstract

The article discusses such issues as the redistribution of incomes created in the national economy, criteria for assessing their fairness and efficiency, natural factors affecting this, and human

qualities. Scientific proposals and practical recommendations were also given to ensure fairness and efficiency of the redistribution processes.

**Key words:** distribution, the process of primary and secondary distribution, income, propensity to consume and save, destructive social relations.

### **Кириш**

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларида даромадларни қайта тақсимлаш механизмларини такомиллаштириш асосида аҳоли реал даромадларини изчил ошириш мухим масалалар қаторида белгиланган.

Шу нуқтаи-назардан Ўзбекистонда даромадлар қайта тақсимотини давлат томонидан тартибга солиш, унинг адолатлилигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш муаммолари ҳозирги куннинг устувор вазифаларидан бири саналади. Аммо, республикада ушбу муаммога қаратилган илмий тадқиқотлар деярли мавжуд эмас. Бу эса, ўз навбатида, мазкур йўналишда илмий тадқиқот ишларини чуқурлаштиришни талаб қиласди ва танланган мавзунинг нақадар долзарб муаммога бағишланганлигини кўрсатади.

Тадқиқот ишининг мақсади миллий иқтисодиётда унинг субъектлари томонидан яратилган даромадларни қайта тақсимлаш механизмининг адолатлилигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Тақсимот жараёнларини тартибга солишнинг назарий-услубий жиҳатлари хорижлик олимлар томонидан муайян даражада ўрганилган.<sup>1</sup> Жумладан, тақсимот муносабатларини бозор талаби орқали тартибга солиш муаммолари Ж.Кейнс, «ҳаражат-натижка» жадвали асосида ялпи миллий даромадни тақсимлаш услубиятини такомиллаштириш Р.Стоун, тақсимот самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни моделлаштириш Ж.Маршалл ва Ж.Хикс, давлат бюджетининг даромад ва ҳаражатлари мутаносиблигиги таъминлаш Э.Хансен, Р.Дорбнуш, С.Фишер, тармоқлараро баланс асосида ЯИМни бирламчи тақсимлаш В.Леонтьев ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Даромадларни қайта тақсимлаш жараёнларини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмини тадқиқ қилиш билан боғлиқ тадқиқот ишлари МДҲ мамлакатларидағи қатор олимларнинг изланишларида маълум даражада тадқиқ этилган.<sup>2</sup> Жумладан, тақсимот жараёнларининг аҳоли турмуш даражасига таъсири

<sup>1</sup> Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер.с англ. - М.: Гелиос АРВ, 1999. - 352 с.; Стоун Р. Метод «затраты-выпуск» и национальные счёта. - М.: Статистика, 1964. - 212 с.; Маршалл Ж. Новые элементы французской системы национальных счётов. - М.: Статистика, 1967. - 374 с.; Хикс Дж. Стоимость и капитал. - М.: Прогресс, 1993. - 240 с.; Хансен Э. Экономические циклы и национальный доход. - М.: Иностранная литература, 1959. - 256 с.; Дорнбуш Р., Фишер С. Макроэкономика. Пер. с англ. - М.: МГУ: Инфра 1997. - 450 с.; Леонтьев В. Экономические эссе. - М.: Политиздат, 1990. - 415 с.;

<sup>2</sup> Батюков М.В. Распределительные отношения и уровень жизни населения в условиях перехода к рыночной экономике // Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. -М.: 2000. – 32с.; Дудевич А.П. Перераспределение доходов: теоретический анализ и возможности оптимизации // Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Санк Петербург. 1998. – 46 с.; Нюхня И.В. Совершенствование системы распределительных отношений как фактор повышения благосостояния населения в современной России // Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. -

М.В.Батюков ва И.В.Нюхня, даромадларни қайта тақсимлаш механизмини такомиллаштириш А.П.Дудевич, тақсимот муносабатларини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизми М.Р.Шагиахметов, С.Г.Шагинян, даромадларни қайта тақсимлашда солиқларнинг ўрни ва роли А.Е.Чистяков, бюджет очиқлигини таъминлаш, ташаббусли бюджет, бюджет шаффоғлиги Н.А.Гузь, В.Д.Лукина, А.В.Лукъяноваларнинг илмий изланишларида ўрганилган.

Ўзбекистонлик олимлар томонидан тақсимот жараёнларининг умумий жиҳатлари муайян даражада ўрганилган ва ушбу йўналишдаги тадқиқотлар давом этмоқда.<sup>3</sup> Жумладан, аҳоли даромадларини қайта тақсимлашнинг назарий жиҳатлари Т.О.Сапаров, ресурс ва маҳсулотлар тақсимотининг амал қилиш қонуниятлари Ш.Ш.Шодмонов, Т.Т.Жўраев, Н.Тўхлиев, даромадларни қайта тақсимлашда давлатнинг бюджет-солиқ сиёсати Н.Б.Ашуррова, А.С.Жўраев, Х.М.Исаев, Т.С.Маликов, И.М.Ниязметов, очиқ ва ташаббусли бюджет тизимини такомиллаштириш орқали даромадларни самарали қайта тақсимлаш муаммолари Г.М.Самандарова, Х.Х.Хамидовларнинг тадқиқот ишларда ўрганилган.

Бироқ, амалга оширилган тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишлар асосан яратилган маҳсулот ва даромадларни тақсимлаш, давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштириш, бюджет маблағларини оптимал тақсимлаш услубиятини ишлаб чиқиш, очиқ бюджет тизимини ривожлантириш каби масалаларга қаратилган. Аммо, уларда тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш, тақсимот жараёнларида уй хўжалиги иштирокини фаоллаштириш, даромадларни қайта тақсимлашнинг замонавий моделларини ишлаб

---

Тамбов 2012. -42 с.; Шагиахметов М.Р. Государственное регулирование перераспределительных отношений в рыночной экономике // Автореферат диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Казань. 2009. -61 с.; Шагинян С.Г. Перераспределительные процессы в формировании реальных доходов населения в условиях рынка // Автореферат диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. -Ростов на Дону. 1999. -54 с.; Чистяков А.Е. Перераспределение доходов и налоги в системе экономических отношений общественного производства // Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. -М.: 2005. -48 с.; Гузь Н.А. Формирование открытой и прозрачной информации об управлении общественными финансами: опыт США // Экономики. Налоги. Право. -М., 2016. -№5. - с. 96-102.; Лукина В.Д. Совершенствование программно-целевого финансирования в условиях реформирования бюджетного процесса // Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М.: 2007. - 23 с.; Лукъянова А.В. Совершенствование системы бюджетного планирования расходов на развитие социальной сферы // Автореферат диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. -М.: 2012. -48 с.

<sup>3</sup> Сапаров Т.О. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида даромадларни тақсимлаш муносабатларини такомиллаштириш // Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши автореферати. -Т.: 2001. - 32 б.; Шодмонов Ш.Ш, Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. -Т.: «Barkamol avlod media». 2002. - 784 б.; Тўхлиев Н. Тараққиётнинг ўзбек модели. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. 2012. - 180 б.; Ашуррова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиқقا тортиш механизмини такомиллаштириш // Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: ТМИ, 2018. - 72 б.; Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шаклантиришнинг самарали йўллари. Монография. - Т.: “Фан” нашриёти, 2004 й. - 243 б.; Исаев Х.М. Давлат бюджети даромадларини шаклантиришда тўғри (бевосита) солиқларнинг аҳамиятини ошириш. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. - Тошкент, 2019. №6-сон. 1-10-б.; Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. Монография. – Т.: “Академия” нашриёти, 2002. - 204 б.; Ниязметов И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш // Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: БМА, 2018. - 70 б.; Самандарова Г.М. Ўзбекистонда бюджет очиқлигини таъминлашни такомиллаштириш // Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Т.: 2023. -57 б.; Хамидов Х.Х. Давлат молиясини ислоҳ этиш жараёнида ташаббусли бюджетлаштириш истиқболлари // Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Т.: 2023. -62 б.

чиқиш масалалари иккинчи даражали муаммо сифатида қолиб кетган. Мазкур ҳолат муаммонаинг долзарблик даражаси янада ошишига ва ушбу мавзуни илмий тадқиқ қилишга асос бўлди.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу тадқиқот ишида илмий абстракция, диалектик тадқиқот, индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, монографик кузатув, тизимли ва қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш ва иқтисодий статистик усувлардан фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар.**

Тақсимот муносабатларини давлат томонидан тартиба солишда қўлланиладиган энг асосий воситалардан бири солиқлардир. Улар тақсимот жараёнларини амалга ошириш борасида давлат қўлида мавжуд бўлган муҳим дастаклардан бири ҳисобланади.

Замонавий иқтисодий адабиётларда солиқлар - жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағларини давлатнинг ўз вазифаларини бажариши учун марказий ёки маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан мажбурий тарзда ундирилиши сифатида талқин қилинади[1].

Айни пайтда В.Г.Пансков ушбу тушунчани яна иккита жиҳат билан тўлдиради: уларнинг биринчиси, солиқлар давлат томонидан ҳеч қандай мажбуриятларсиз солиқ тўловчилардан ундирилишини англатувчи беғаразлик бўлса, иккинчиси, индивидуаллик ҳисобланади[2].

Бизнинг фикримизча, биринчи тамоилга қўшилиб бўлмайди, чунки солиқقا тортиш амалиёти (ижтимоий солиқларнинг мавжудлиги) ва олинаётган нафлийлик тескари натижалар тўғрисида хulosा қилиш имконини беради. Бир пайтнинг ўзида давлатдан бирор-бир неъматни ҳарид қилишдан фарқли ўлароқ, солиқ тўловчи тўланган солиқ миқдорига эквивалент бўлмаган хизматлар ҳажмига эга бўлади. Бу, ўз навбатида, солиқларнинг ижтимоий сектор хизматларини молиялаштириш ва қайта тақсимланувчи қисмларга бўлинганлиги боис, солиқ тўловчи аксарият ҳолларда олганига нисбатан кўпроқ сумма тўлаши ёки унинг ўзи трансферт тўловлари олувчига айланиб қолиши билан боғлиқдир. Замонавий амалиётда жисмоний шахсларга қайтариб бериш қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилган (ягона ижтимоий солиқнинг жамғарилиб борувчи қисми) солиқлар мавжуд. Бу ўринда солиқларнинг “индивидуал тартибда қайтариб берилмайдиган тўлов” сифатидаги жиҳатини “қайтариб бериладиган, эквивалент бўлмаган тўлов” билан алмаштириш лозим, деган хulosा келиб чиқади.

Юқорида таъкидланганидек, “якка тартибда қайтариб бермаслик” тушунчаси собиқ совет тузумидан қолган солиқларнинг “тўловлийлик-қайтариб беришлий” тамоилидан қолган кечиладиган юқ маъносини англаади[3].

Шу билан бир қаторда, солиқларнинг қўйидаги етарлича кенг тарқалган талқини ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра – “...солиқлар давлат ва унинг институтларига тўланган ҳар қандай мажбурий тўловлар”[4] ҳисобланади. Кўриниб турибдики, мазкур талқинга кўра, солиқлар қаторига мантиқий жиҳатдан киритилиши мумкин бўлмаган жарималар ҳам қўшиб юборилган.

Бизнинг фикримизча, замонавий солиқ амалиёти солиқлар тушунчасига тегишли тузатишлар киритади. Бу айниқса, уларга давлат учун мажбурий тўлов сифатида қарайдиганларга тегишли. Масалан, ягона ижтимоий тўловнинг жамғарив

бориладиган қисми пенсия жамғармасига ўтказилган суммага камайтирилиши мүмкін. Шу тариқа ҳусусий секторга тўланадиган маблағларни ҳам солиқлар қаторига киритиш мүмкін (масалан, булар қаторига давлат томонидан мажбурий тарзда белгиланувчи, аммо, нодавлат компанияларига тўланадиган автосуғуртани қўшиш мүмкін). Бошқача айтганда, пул маблағлари давлат идоралари томонидан йиғилган тақдирда ҳам, улар бошқа субъектларга тўлаб берилади, яъни, бундай вазиятда давлат воситачи сифатида майдонга чиқади. Шу боис, солиқ тўловчилар маблағларни ғазначилик ҳисоб рақамига эмас, балки давлат кўрсатмалари асосида ҳусусий сектор ҳисоб рақамига ўтказиб берса ҳам, бундан унинг моҳияти ўзгармасдан қолади. Шудай экан солиқ тўловчиларни рағбатлантириш ва соф ижтимоий неъматларнинг айрим турлари таклифини ҳусусий секторга ўтказиш мақсадида замонавий солиққа тортиш тизими бугунги кунда айнана шу йўлдан бормоқда. Шунинг учун солиқ тушунчасига аниқлик киритар эканмиз, унинг аввалдан мавжуд бўлган таърифини қўйидаги тўлдириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: солиқ - бу ҳукумат томонидан ўрнатилган ва давлат ҳамда айрим соҳаларда фаолият юритадиган нодавлат сектори субъектларига тўланадиган мажбурий тўловдир.

Турмуш фаровонлигининг юқори даражасини таъминлаш ва даромадларни оқилона қайта тақсимлашга эришиш мақсадида ҳукумат томонидан турли чора-тадбирлар амалга оширилади. Мазкур чора-тадбирлар орасида солиқ юкинингadolatli va mutanosib taqsimlaniishi masalasi muҳim ўрин tutadi.

Адолатлилик ва мутаносиблик тамойили солиқ юкини самарали тақсимлаш масалани назарда тутади. Ҳозирги замон фани иқтисодиётда солиқ юкини тақсимлаш муаммоси борасида иккита ёндашувдан фойдаланади. Булар олинган неъматларни солиққа тортиш ва тўловга қобиллик назарияларидир[5].

Олинган неъматларни солиққа тортиш тамойили индивидуалистик солиқ назариялари асосида ривожланди. Мазкур назарияда солиққа тортишнинг юқори чегарасини белгилашда давлат ижтимоий хизматлари асос сифатида қабул қилинади. Ушбу жиҳат у ёки бу буюмни сотиб олиш ва солиқ тўлаш ўртасидаги асосий фарқларни йўққа чиқаради. Ҳақиқатда солиқ тўлашни товар сотиб олиш билан тенглаштириб бўлмайди. М.Фридман “солиққа тортишнинг нафлиили мавҳум, солиқ тўлаш эса, мажбурийдир”[6] деб таъкидлайди. Бу борадаги фикрларнинг мантиқизлиги айрибошлаш назарияси тарафдорларини янги асословчи далиллар излаб топишга унади. Уларнинг илмий асослари давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар билан улар учун тўланган солиқларнинг мутаносиблигига эришишга таянади.

Мазкур назариялар XVII асрнинг охирларида давлатни атомистик (индивидуалистик) тушунишга тўлалигича мос тушади. XIX асрда ҳам ушбу назариялар ўз аҳамиятини сақлаб қолгани ҳолда, маъно ва мазмун жиҳатдан бир мунча ўзгарди.

Манфаатлар назарияси ҳар бир солиқ тўловчи томонидан қилинган харажатлар уларнинг манфаатларига мос равишда солиққа тортишни тавсия қиласди. XVIII аср охирларида ушбу мезон давлатни аҳолининг жамоавий эҳтиёжларини қондиришни таъминловчи ва мажбурлаш ваколатига эга бўлган тузилма сифатида тушунишга мутлақо мос келмас эди.

Суғурта ёки таъминот назарияси тарафдорлари солиқларни бирор-бир хатарнинг вужудга келиш эҳтимоллиги мавжуд бўлганда амалга оширилиши лозим бўлган тўлов сифатида тушунтиради. Мазкур ҳолатда солиқ тўловчи ўз мол-мулкини турли хил салбий ҳолатлардан суғурталайди[7].

Тўловчининг мулкий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган “Тўловга қобиллик концепцияси” бевосита солиқларнинг манбаи борасидаги масалаларга бориб тақалади. Молия фанида соф даромад солиққа тортиш обьекти сифатида эътироф этила бошланиши билан тўловга қобиллик тамойили ўзининг якуний тасдигини топди. Тўловга қобиллик назариясининг тадрижий тараққиёти “тўловга қобиллик” категориясининг турлича талқин этилиши билан боғлиқдир. Солиқ манбаи сифатида соф даромад тан олинар экан, фан олдида уни солиққа тортишда пропорционал ёки прогрессив солиққа тортиш шаклларининг биридан фойдаланиш масаласи кўндаланг бўлиб турар эди. Зоро, молиявий амалиётда солиққа тортишнинг иккала шаклидан ҳам фойдаланилар эди. Ушбу вазиятда молиячи-олимларнинг бир қисми пропорционал солиққа тортишни маъқул кўрсалар, уларнинг иккинчи қисми эса, прогрессив солиққа тортиш амалиётини қўллаш мақсадга мувофиқ, деган фикрни илгари сурар эдилар. Бу борадаги баҳс-мунозаралар жамият ҳаётидаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар асносида XIX асрнинг охирги учинчи чораги ва XX асрнинг бошларига келибина ўз якунини топди. Бунда прогрессив солиққа тортиш амалиётини қўллаб-қувватловчиларнинг қўли баланд келди, бунинг натижасида эса, даромадларни прогрессив солиққа тортиш амалиёти ҳаётга жорий этила бошланди[8]. Прогрессив солиқлар мулкдорлар синфини сезиларли даражада сиқиб қўяди ва бу ҳолат солиққа тортиладиган обьектнинг ўсиб бориши билан янада кучайиб бораверади.

Пропорционал ва прогрессив солиққа тортиш борасида мавжуд фикрлардаги тафовутлар тўловга қобиллик тушунчасининг мазмунини тушуниш борасидаги фарқланишлардан келиб чиқади. Пропорционал солиққа тортиш тарафдорлари тўловга қобиллик дейилганда, солиқ тўловчининг даромади ва мулкини назарда тутсалар, прогрессив солиққа тортиш тарафдорлари эса, тўловга қобилликни бир томондан солиқ тўловчининг даромадлари ва мулкий ҳолати билан ўлчанувчи тўловни амалга ошира олиш лаёқати, бошқа бир томондан эса, барча солиқ тўловчиларнинг мол-мулк ва даромадлардан бирдек воз кеча олиш қобилияти сифатида тушунтирадилар.

Солиқ сифатида олиб қўйилаётган даромад ёки мол-мулк миқдори камбағаллар ва бойлар учун ҳам бирдек бўлиши мақсадида, бойларни ҳам мутлоқ ва ҳам нисбий жиҳатдан кўпроқ солиққа тортиш лозимлиги уқтирилади. Яъни, солиқлар пропорционал эмас, балки прогрессив бўлиши керак, деган хulosha илгари сурилади.

Пропорционал солиққа тортиш ғояси меркантилизм давридаёқ вужудга келган эди. Физиократлар ягона ер солиги борасида ўз талабларини илгари сурар эканлар, бу билан улар амалда пропорционал солиққа тортишни яқдиллик билан ёқлаб чиққан эдилар.

Тақсимот масаласида алоҳида маҳсус тўлов назариясига ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Мазкур назарияга кўра, пропорционал солиққа тортиш энг одилона танлов ҳисобланади. Ушбу назария тарафдорлари солиқ тизимиға эгри солиқларнинг регрессив таъсирини чеклаш имконини берувчи, қандайдир бир прогрессив солиқ

жорий этиш лозим[9], деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, шу тариқа солиққа тортишнинг пропорционаллиги таъминланади.

Иқтисодий тараққиётнинг талаблари, давлатнинг молиявий эҳтиёжлари ва ижтимоий ғояларнинг ривожланиши таъсири остида прогрессив солиққа тортиш ғояси XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб “прогрессив солиқлар назарияси”га айланди.

Солиқлар давлат томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун маҳсус тўлов сифатида эътироф этилувчи айрибошлаш назариясидан келиб чиқсан ҳолда, Ж.Сисмонди прогрессив солиққа тортишни ёқлаб чиқсан сўнгги намоёндалардан бири бўлди. Унинг фикрича, “...давлат харажатларининг катта қисми бойларни камбағаллардан ҳимоя қилиш учун сарфланади. Шу сабабли ҳам бойлар ўзларига фойдали бўлган бундай юмушлар учун тўловларни прогрессив тарзда амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир”[10]. Айни пайтда у солиқлар – бу миллий бозорнинг барқарор фаолият кўрсатишими таъминлаш учун давлатга тўловлар эканлигини эътироф этади. Ж.Сисмондининг фикрича, ушбу ҳолат солиқларнинг прогрессивлик даражасини пасайтириб юборади.

Бизнинг фикримизча, олинаётган нафлийк назарияси бугунги кунга келиб яна қайта жонланмоқда. Бу солиқ тўлашни рағбатлантириш билан боғлиқдир. Мазкур ҳолат солиқдан бўйин товлаш даражаси юқори ва солиқ тизими самарадорлиги паст бўлган мамлакатларда муҳим ўрин тутади. Шу сабабли ҳам, солиқларнинг индивидуал қайтариб бермаслик ва мажбурийлик каби жиҳатларини пасайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Ушбу мақсадда давлатнинг функциялари қайта кўриб чиқилмоқда ва ижтимоий неъматларнинг айримлари бозорга бериб юборилмоқда. Ғарбда солиқ тўловчиларга давлатнинг ижтимоий хизматлари самарадорлигини баҳолаш имконини берувчи давлат харажатларини натижага йўналтирилган бюджетлаштириш дастурлари жорий қилинмоқда[11]. Шу тариқа, пировард натижаси тўланган солиқлар қайтимининг юқори даражада бўлишини таъминловчи тескари алоқа ўрнатилади, бу эса, ўз навбатида, солиқ тўловчиларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда қайтариб бермаслик ва мажбурийлик тамойилларини минималлаштириш имконини беради.

Ж.Стigliц фикрича, манфаатдорликдан келиб чиқсан ҳолда белгиланувчи солиқларнинг камчилиги шундан иборатки, улар иқтисодий ҳаётда бир қатор номутаносибликларни келтириб чиқаради. Ижтимоий неъматлардан фойдаланиш даражасидан келиб чиқсан ҳолда солиқларнинг ундирилиши, улардан фойдаланиш борасидаги рағбатларни сўндириши ва шу таҳлит ресурсларни самарасиз тақсимланишига олиб келиши мумкин [12].

Д.С.Милль прогрессив солиққа тортиш тамойилини асослаш мақсадида тўловлар тенглиги назариясига асос соглан. У “...ҳар бир фуқаро бошқа контрибуэнтларнинг тўловига тенг бўлган миқдорда эҳсон кўринишида ўз даромадининг бир қисмини давлатга тўлаши лозим”[13], деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, солиқлар тўланганидан сўнг ҳам фуқаролар аввалгидек хўжалик фаолиятини давом эттира олиш имконига эга бўлишлари керак. Айни шу нарсанинг ўзи нисбий тенглик мезони ҳисобланади, шундан келиб чиқсан ҳолда солиққа тортиш меъёри сифатида қуйидаги тамойилдан фойдаланилади: солиқ ҳар бир фуқаро учун бир хил қимматлиликни, яъни, бир хил эҳсонни (тўлов) ифода этиши шарт.

Маржинализм мактабининг австриялик намоёндалари томонидан тўловлар тенглиги назарияси ва прогрессив солиқقا тортиш масалалари янада ривожлантирилган. Тўловлар тенглиги назарияси нуқтаи-назаридан капиталист (мулк ва ер эгаси)нинг камбағалга нисбатан ўз мулкининг маълум бир қисмини тўлаши ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Солиқ юки уни тўлангандан сўнг тўловчида қай даражада мулк қолиши билан белгиланади. Агар унинг қўлида кўпроқ мулк ва маблағ қоладиган бўлса, солиқ тўловчи ҳеч бир қийинчиликсиз юқори солиқларни ҳам тўлаши мумкин бўлади. Мабодо унинг ихтиёрида кам маблағ ёки мулк қоладиган бўлса, солиқ ставкаси ҳар қанча паст бўлмасин, уни тўлаш солиқ тўловчи учун оғирлик қиласди. Тўловларнинг тенглигига фақатгина прогрессив солиқقا тортиш шароитидагина эришиш мумкин.

Прогрессив солиқقا тортиш назарияси тарафдорлари ўз қарашларини ҳимоя қилишда статистик тадқиқотлар натижаларига ҳам мурожаат қилишади. Оилалар бюджети статистикаси бирламчи эҳтиёж буюмларига харажатлар турли катталикка эга бўлган бюджетларда бир хил ўрин тутмаслигини кўрсатади.

Э.Энгель шу асосда ўзининг “Энгель” қонунни шакллантиради. Мазкур қонунга кўра, даромадлар қанчалик юқори бўлса, бирламчи эҳтиёж товарларига харажатлар фоизи шунчалик паст бўлади ва аксинча.

Француз мактаби вакиллари П.Леруа-Болье ва Р.Стурмлар пропорционал солиқقا тортиш ғоясини қўллаб-қувватлаш асносида прогрессив солиқقا тортиш тамойилини қаттиқ танқид остига оладилар. Улар прогрессив солиқقا тортишнинг қўйидаги салбий жиҳатларини алоҳида ажратиб кўрсатадилар:

1. Прогрессияни белгилашда ўз ҳоҳишича иш тутиши ва бунинг натижасида адолатлиликка путур етиши;
2. Капитал жамғаришдан қочиш ва жамғаришга бўлган мойилликнинг сусайиши;
3. Солиқ тўловчиларнинг ҳақиқатдаги ўз даромадларини амалдагидан бир мунча паст қилиб кўрсатишга интилишлари натижасида молиявий бошқарув соҳасида жиддий қийинчиликларнинг вужудга келиши;
4. Солиқقا тортишнинг прогрессив ғоясини тарғиб қилувчи давлатнинг коммунизмга интилиши.

Лаффер назарияси самарадорлик ва ижтимоий адолат ўртасидаги ўзаро ҳамоҳанг боғлиқликни юқори даражада кўрсатиб берувчи назария ҳисобланади. Ушбу назария асосида энг аввало, ортиқча солиқ юки тушунчаси ётади.

Ортиқча солиқ юки - бу жамият учун соф тушумларнинг йўқотилиши ҳисобланади. Чунки солиқقا тортиш натижасида истеъмол ва ишлаб чиқариш ўзининг мақбул даражасидан анча пастга тушуб кетади. Ортиқча солиқ юкини қўйидагича ифодалашимиз мумкин:

*Ортиқча юқ = умумий юқ - солиқ тушумлари[14].*

Бу ҳолат истиқболда солиқ базасининг қисқаришига олиб келади.

А.Лаффернинг мазкур концепцияси кейинчалик “Лаффер эгри чизиғи” деб ном олган бўлиб, у солиқ ставкасининг ошиши ва давлат ҳазинаси ўртасидаги боғлиқликни аниқлаган. Унга кўра, солиқ ставкаларининг маълум бир чегарагача кўтарилиши солиқ тушумларининг ўсишини таъминлайди. Солиқ ставкалари ўзининг юқори чегарасига етганидан сўнг тушум аста-секинлик билан пасая бошлайди, ставкалар мазкур чегарадан ошганидан кейин эса, бюджет даромадларининг бир маромда қисқариши

ёки уларнинг бирданига кескин пасайиши кузатилади. Унинг фикрича, солиқ юкининг асосиз оширилиши иқтисодиёт хуфёна секторнинг ривожланишига туртки бўлувчи энг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Айнан у солиқ юкининг қисқариши тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириши, ташаббускорлик ва ишбилармонликни қўллаб-қувватлашини асослаб берган. Ушбу ҳолатда бюджет даромадларининг ўсиши товар ишлаб чиқарувчиларга солиқ юкини кўпайтириш ҳисобига эмас, аксинча, ишлаб чиқаришни ривожлантариш ва шу асосда солиқ базасини кенгайтириш ҳисобига таъминланади. Шу билан бирга "Лаффер эгри чизиғи" фақатгина юқорида тилга олиб ўтилган боғлиқликни акс эттиради холос. У мамлакат бюджетига солиқ тушумларининг мумкин бўлган чегараси борасида тасаввурга эга бўлиш имконини бермайди. Мазкур қиймат доимий ва етарлича аниқ бўлиши лозим, зеро унинг қиймати мамлакатдаги солиқ тўловчиларнинг молиявий ҳолатига ва яхлит тарзда мамлакат иқтисодиётида таркиб топган вазиятга кўп жиҳатдан боғлиқдир[15].

Ж.Стиглиц адолатлилик нуқтаи-назаридан Лаффер эгри чизиғига баҳо берар экан, у қўйидаги хулосага келади, "солиқ ставкаларининг чегаравий нуқтаси фаровонликни таъминлашнинг "роулсианча назария"сига кўпроқ мос тушади. Шунинг учун амалиётда йиғиши мумкин бўлган солиқ тушумларининг энг юқори даражаси мавжуд бўлади. Агар давлат ушбу даромадни прогрессив солиқ ставкаси ёрдамида үндиришга ҳаракат қилса, у ҳолда давлатнинг бойлардан үндириши мумкин бўлган маблағлари янада камайиб боради. Бу ҳолат давлатнинг камбағаллар фойдасига қайта тақсимлаши мумкин бўлган катта миқдордаги маблағларнинг ҳам чегараси борлигини англатади. Ушбу чегарада, яъни, Лаффер эгри чизиғидаги максимал нуқтада истеъмол имкониятлари эгри чизиғи орқага қайрилади. Солиқ ставкасининг муттасил ошиб бориши ижтимоий товарларнинг ҳозирги даражасини молиялаштириш учун солиқлардан озод қилиш даражасининг пасайтирилиши лозимлигини билдиради"[16]. Олим ўзининг ушбу ғояси билан жамият энг камбағал шахсларнинг фаровонлигини таъминлай оладиган солиқ ставкасини белгилаши лозимлигини таъкидлайди.

У ёки бу обьектни солиқقا тортиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш учун солиқ юкини тақсимлаш масаласини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ. Ушбу масала солиқ юки назариясида ўз аксини топган. Ушбу назария умумий солиқ назариясининг ўзига хос таркибий қисми ҳисобланади. Аммо, шундай бўлишига қарамасдан, солиқ юкини самарали тақсимлаш муаммоси ҳозирги кунгача етарлича тадқиқ қилинмаган.

Солиқ юки ва уни самарали тақсимлаш назариясини тушунтиришнинг бир қанча усуслари мавжуд. Улардан биринчиси, пессимитик концепция бўлиб, унга кўра, солиқлар солиқ юкини тақсимлашга умуман таъсир кўрсатмайди, деган хулосани илгари сурилади. Ҳусусан, А.А.Соколов "...солиқларнинг тузилиши пировард натижада ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш ва нархларнинг обьектив тарзда шаклланиш жараёнига сезиларли даражада таъсир кўрсата олмайди. Шу сабабли солиқларни уларни тўловчилар ўртасида тақсимлаш миллий даромадни тақсимлаш билан бир йўсинда амалга ошади. Солиқлар моддий неъматларни тақсимлаш ва нарх шаклланиш жараёнлари тўлқинига қўшилади. Шундан кейингина ушбу жараёнлар билан биргаликда ҳаракат қиласи" [17]- деб таъкидлайди.

Солиқ юки бўйича дастлабки назариялар мутлоқ юклаш назариялари сифатида шаклланган. Улар мутлоқ аниқлик билан у ёки бу солиқ турининг юкланиш даражаси ва шу йўсинда уни кўтарувчиларни аниқлашга ҳаракат қилишган.

Солиқ юки назариясининг асосчиларидан бири бўлган Дж.Локк "...барча соликлар, шу жумладан истеъмол солиғи ҳам ер эгасининг зиммасига тушади"[18], деган хulosага келади.

Д.Рикардо табақалашган ер рентаси назариясини яратди ва шу асосда ер солиғини юклаш шартларини ишлаб чиқди. Унинг фикрича, "...агар солиқ соф рентадан олинса, у ҳолда уни юклаш мумкин эмас. Агар солиқ барча ерлар, шу жумладан, унумдорлиги паст ерлардан ҳам ундирилса, бу ўз навбатида, нарх ошишига, пировардида эса, соликларнинг истеъмолчи зиммасига юкланишига олиб келади. Рикардо иш ҳақига солиқ ва эгри соликларни бирламчи эҳтиёж буюмларига юклаш мумкинлигини таъкидлайди. У соликлар охир-оқибат тадбиркор зиммасига тушади, зеро паст иш ҳақи олаётган ишчи шубҳасиз истеъмол солиғини тадбиркорга юклайди"[19], деган фикрни илгари суради.

Классик мактаб[20] ва физиократларнинг[21] "соликларни мутлоқ юклаш" назариясининг турли варианatlари ўрнини XIX асрнинг бошларида француз тадқиқотчиси Н.Канар[22] томонидан ишлаб чиқилган соликларни бир текис тақсимлашни кўзда тутивчи позитив назария эгаллади. У ушбу назарияда физиократларнинг қарашларига зид бўлган хulosаларга келади.

Позитив назарияга кўра, соликларни юклаш эвазига барча соликлар тўловга қобиллик даражасига қараб тўловчилар ўртасида тақсимланади. Аммо, солиқ юки мувозанатига бирданига эришилмайди. Шу сабабли барча аввалдан жорий этилган соликлар яхши, чунки, юклаш орқали улар бир текис тақсимланади, деган хulosага келинади.

Диффузия (соликларнинг ёйилиш) концепцияси, деб ном олган назария солиқ юкини бир текисда тақсимлашни илмий асослашга йўл очиб берди. Сиёсийлаштирилганлик даражаси жиҳатидан оптимистик назариялар билан бир қаторда, П.Прудон томонидан ишлаб чиқилган пессимитик назария ҳам мажудлигини таъкидлаб ўтиш лозим. У "...барча соликлар истеъмолчи зиммасига тушади ва уларнинг, яъни, истеъмолчиларнинг асосий қисми камбағал ҳисобланади. Соликлар камбағалларнинг гарданига тушганлиги сабабли улар аксарият ҳолатларда адолатсиз тақсимланади[23], деб ҳисоблайди.

Австрия мактаби вакили А.Курно ўз илмий тадқиқотлари натижасида маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчи томон ҳаракатланишининг охирги босқичида солиқقا тортиш энг маъқул йўл[24] эканлиги борасида қатъий хulosага келади.

Ўтган асрнинг 70-йилларида иқтисодиёт фанида Л.Вальрас[25] ва У.Жевонсларнинг[26] илмий тадқиқотлари асосида янгича маъно касб этган математик ўсуллар солиқ юки назариясининг такомиллашишида туртки бўлган. Унга кўра, ҳар қандай солиқ товар ёки хизматларни айрибошлаш жараёнида даромаднинг бир қисмини "еб қўяди". Шундай экан унинг ставкалари қанчалик юқори бўлса, жамият учун келтирадиган зарури ҳам шунчалик катта бўлади [27].

Соликлар тўланмаган тақдирда ҳам ўз таъсирини кўрсатади, чунки у инсонни истеъмолни қисқартиришга ва унинг тавсифини ўзгартеришга мажбур қиласи. Пул муомаласи меъёрида амал қилаётган шароитларда соликлар солиқقا тортилувчи товарлар таклифини қисқартириб, мамлакатда нархлар даражасининг ўсишига олиб келади.

Э.Хансен ўз илмий изланишлари натижасида мамлакатдаги нарх даражаси ва солиқ ставкалари ўртасидаги боғлиқликнинг эконометрик моделини ишлаб чиқди ва нархлар ўсишининг энг юқори чегарасини аниқлаштириди. Унинг фикрича – "...нархларнинг ўсиши ҳар доим солиқлар даражасидан паст бўлиши лозим, чунки рақобатбардошлиги паст бўлган корхоналарнинг хонавайрон бўлиши ўртacha харажатлар даражасининг пасайишига олиб келади"[28].

К.Виксель тадқиқотларида монополия ва эркин рақобат шароитида солиқ юкини тақсимлаш жараёнлари таҳлил қилинган. Унда монополия ўз ҳолиша нархларни ошира олмайди, бу ҳолат талабнинг қисқаришига олиб келади, шунинг учун у юқори даражада соф фойда олинишини таъминловчи нарх белгилашга интилади, деган хulosага келган. К.Виксель солиқ юки тушунчасини қамров даражаси кенгроқ бўлган бошқа бир категория билан алмаштиришни таклиф қиласди. Унга кўра, солиқларни кимгadir юклash - солиқ оғирлигининг ўша субъектга тушишидир, чунки, солиқ тўловчи томонидан амалга оширилаётган тўловлар ҳар доим ҳам унинг зиммасига юклangan солиқ билан чекланиб қолмайди. Бу ўринда солиқлар эвазига кўрилувчи билвосита йўқотишлар ҳам назарда тутилади. Монополиялар фискал таъсиrlардан юқори даражада ҳимояланган, зеро, улар шусиз ҳам ўз маҳсулотларига юқори нарх белгилаш имкониятига эгадирлар. Уларни қўшимча солиқка тортиш натижасида нархларнинг белгилangan юқори чегарадан ошиши, олинаётган фойда массасининг камайиши кузатилиши мумкин[29].

Бизнинг фикримизча, олимнинг бундай хulosагa келиши монополиялар фаолияти давлат томонидан назорат қилиниши ва нархлар ўзининг юқори чегарасига етмаслиги билан изоҳланади. Шу сабабли солиқларнинг жорий этилиши нархларни ошириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Иккинчидан, табиий монополияларнинг хизматларига талаб эгилувчан эмас, шу сабабли нархнинг ошиши натижасида талабнинг камайиши ҳисобига фойданинг камайиши мавжуд нархлар даражасида солиқ тўловларини тўлаш ҳисобига фойданинг камайишига қараганда бир мунча паст бўлади.

К.Виксельнинг фикрига кўра, солиқ юки давлат томонидан хўжалик механизмига солиқ кўринишида тушадиган босимни турли хилдаги айрибошлаш битимлари орқали бошқаларга ўтказилишини ифода этади. Бундан кўзланган асосий мақсад аҳолининг турли қатламлари ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш ҳисобланади. К.Виксель концепциясида иқтисодиётдаги солиқ юкининг оптималь даражаси миллий даромадни қайта тақсимлаш борасидаги давлат сиёсатининг мұхим бир дастаги сифатида қаралади.

Италия мактаби вакиллари (М.Панталеоне, Ф.Конильяни, Г.Эйнауди) солиқларни юклashнинг математик назарияси ва унинг асосий шартларини белгилаб беради. Улар солиқ юки ўзгаришининг мамлакатдаги нарх даражасига таъсирини таҳлил қилишди ва "...солиқларни юклash - бу солиқ тўловчи уларни тўлаш ҳисобига ўзини қисман ёки тўлалигича рағбатлантирувчи жараёндир"[30] деган хulosагa келишди.

Солиқларни юклash назариясининг ривожига Э.Селигман катта ҳисса қўшган. У солиқларни юклash нархга тегишли масала ҳисбланиши, бунда солиқларнинг жорий этилиши асносида капитал, меҳнат, истеъмол буюмлари нархи қай даражада ошиши мумкинligини кўрсатган. Э.Селигман солиқ қай даражада (тўлиқ ёки қисман) нарх устига қўшилишини белгилаш, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида у қандай

тақсимланиши, яъни, уларнинг ҳар бирига тўғри келувчи солиқ юкини аниқлаштириш учун солиқларни юклашга қайси шарт-шароит ва омиллар таъсир кўрсатишини ўрганган[31].

Иқтисодий фанда солиқ юки бўйича уларнинг нархга қўшилиши механизми нуқтаи-назаридан икки хил назария фарқланади:

1. Сотувчидан ҳаридорга юклаш.

2. Ҳаридордан сотувчига юклаш, яъни, амалда истеъмолчининг чекига тушган солиқ сотувчи томонидан тўланади. Ушбу ҳолат амалда биринчисига қараганда ҳаётда жуда кам учрасада, у солиқлар (тўғри ёки эгри) ҳаддан ташқари юқори бўлганда ўз ўрнига эга бўлади. Солиқларни юклашнинг ушбу кўриниши иқтисодий инқирозлар даврида кўпроқ учрайди ва аксарият ҳолатларда у эгри солиқларга тегишли бўлади.

Айни пайтда Г.Хеппе солиқларни юклаш бир пайтнинг ўзида ҳам сотувчи, ҳам истеъмолчига тегишли бўлиши ҳақида далиллар келтиради. У бир пайтнинг ўзида ҳаридор ва сотувчи вазифасини бажараётган индивидга нисбатан солиқларни юклашга интилишда солиқ юкини истеъмолчига юклаш доктринасининг абстрактлигини кўрсатиб беради[32]. Барча элементлари ўзаро боғлиқ бўлган такрор ишлаб чиқариш тизимида мазкур ҳолатни эътибордан четда қолдирмасилик талаб этилади. Солиқ тўловчиларнинг маълум бир гурухларини солиққа тортиш борасида жорий қилинган тўловлар пиравард натижада бошқаларнинг зиммасига тушганлиги борасида тарихда мисоллар кўп.

Иккала ҳолатда ҳам юклаш кўлами қисман ёки тўлиқ бўлиши мумкин, яъни, (а) солиқнинг маълум бир улушини юклаш, (б) солиқни бутунлай юклаш.

Солиқларни юклаш жараёнида солиққа тортиш предметига таъсир кўрсатувчи солиқ тўловчининг таққосланма кучига нисбатан энг муҳим шартлар, қуйидагича бўлади: солиққа тортилаётган предметнинг эркин рақобат ёки монополияга тегишлилиги; талаб ва таклиф эгилувчанлигининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги; сафарбарлик даражаси (солиққа тортилаётган предметнинг ҳаракатчанлиги ёки иммобиллиги).

Солиққа тортиш предмети қанчалик иммобиль бўлса, уларга солиқ юклаш шунчалик қийин бўлади, аксинча, солиққа тортиш предметининг мобиллик даражаси юқори бўлса, солиқни шунчалик юклаш осон кечади.

Э.Селигман – “...солиқ қанча енгил бўлса, уни юклаш имкониятлари шунчалик паст бўлади. Солиқ тўловчи эса, бунга осонгина кўнигади. Прогрессия даражаси қанча юқори бўлса, солиқларни юклаш шунчалик қийин бўлади”, деб ҳисблайди. Солиқларни юклаш борасида илгари сурилаётган талаблар молиявий амалиётга муайян солиқ манбаларини солиққа тортиш борасида тавсиялар бериш имкониятини беради.

Солиқларни юклаш шарт-шароитлари солиққа тортиш борасидаги реал қийинчиликларни ҳал этиш ва молиявий амалиётда солиқларни юклаш жараёнини самарали бошқариш борасида, молия фанига солиқларни уларнинг юкланиш даражаси бўйича таснифлаш имконини беради.

Кейнс ва ундан кейинги даврларда тақсимот жараёнларини тартибга солишда солиқларни юклаш муаммоси ўзига ҳос тарзда ҳал этилган. Яъни, эгилувчанлик даражасига боғлиқ ҳолда солиқ юкини тақсимлашнинг иккита муҳим қоидаси мавжуд. Биринчи қоидага кўра, товарга бўлган талаб эгилувчанлиги қанчалик паст бўлса,

солиқларнинг шунчалик катта қисми истеъмолчилар зиммасига тушади ва аксинча. Иккинчи қоидага кўра эса, таклиф әгилувчанлиги қанчалик паст бўлса, солиқларнинг шунча катта қисмини ишлаб чиқарувчилар тўлайдилар.

Бошқа барча шароитларда талаб ва таклиф әгилувчанлиги қанча юқори бўлса, мазкур солиқнинг ортиқча юки шунчалик юқори бўлади. Бир хил тушумларни таъминловчи иккита солиқлар доимо ҳам бир хил умумий солиқ юкини таъминлай олмайди. Ушбу ҳолат солиққа тортишнинг энг самарали үсулини танлаш борасида ҳукумат олдида қатор қийинчиликларни вужудга келтиради.

Әгилувчан талаб шароитида солиқ юклаш жуда мураккаб, ноэгилувчан талаб шароитида эса, нисбатан осон жараён ҳисобланади. Агар бирор-бир маҳсулотга бўлган талабни бошқа бир маҳсулотга бўлган талаб билан осон алмаштириш мумкин бўлса, у ҳолда истеъмолчи солиқни ўзига юкланишидан қочишга интилади. Шу сабабли ҳам, бирламчи эҳтиёж товарларига солиқларни юклаш бир мунча енгил бўлгани ҳолда, нарх ошган шароитда истеъмолчи уларга бўлган талабни қисқартирувчи ҳашамат товарларига солиқларни юклаш осон кечади, чунки ўзига тўқ инсонлар солиқ миқдори қай даражада бўлмасин уларни истеъмол қилишни чекламайдилар[33]. Айни чоғда, ҳашамат товарларига солиқларни юклаш осон кечади, чунки ўзига тўқ инсонлар солиқ миқдори қай даражада бўлмасин уларни истеъмол қилишни чекламайдилар[33]. Айни чоғда фанда даромаднинг камайиши натижасида олинган даромадларни қай йўсинда тақсимлаш масаласи тўлалигича ўрганилмаган. Мамлакатимизда қўшилган қиймат солиғи ставкаларининг пасайтирилиши нархлар даражаси аввалгидек сақланиб қолаётганлигини, ишлаб чиқарувчилар эса, қўшилган қийматни ўзларида олиб қолаётганликларини кўрсатади.

Замонавий солиқ назариясида ҳукумат зарурӣ солиқлардан истеъмолчи ортиқчалиги йўқотишларини камайтирган ҳолда улардан (солиқлардан) қай даражада самарали фойдаланиши борасидаги таҳлиллар мунтазам тарзда амалга оширилиб келинмоқда. Ремзи қоидасига кўра, "...ҳукумат нарх бўйича талаб ва таклиф әгилувчанлиги паст бўлган ресурс ва маҳсулотларни юқори даражада солиққа тортиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шундай қилиб, агар ер ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нарх бўйича талаб ва таклиф әгилувчанлиги жуда паст бўлганлиги боис, уларга қўйиладиган солиқлар ҳам юқори бўлиши талаб этилади. Агар ҳаво транспорти ва автомобиллар нарх бўйича юқори әгилувчанликка эга бўлса, у ҳолда солиқлар бир мунча паст даражада бўлади[34]. Мана шундай ҳолатларни инобатга олган ҳолда солиққа тортиш амалиётида учраши мумкин бўлган турли хил хатоликлардан қочишими мумкин.

Ремзи қоидасига мантиқан ёндашар эканмиз, агар товарга талаб (таклиф)нинг нарх бўйича әгилувчанлик даражаси жуда паст бўлса, у ҳолда ушбу товарга солиқнинг жорий этилиши мазкур товар истеъмоли ва ишлаб чиқаришига катта таъсир кўрсатмайди, деган хulosага келамиз. Маълум бир шарт-шароитларда Ремзи қоидаси бўйича солиқ тизимини шакллантириш ва унга тегишли ўзгартиришлар киритиш иқтисодий самарадорлик борасидаги йўқотишларни минималлаштирган ҳолда тушумларни кўтаришга хизмат қилиши мумкин.

Айни пайтда ижтимоий адолатлилик нуқтаи-назаридан Ремзи қоидасини қўллаш катта иқтисодий наф келтириши амримаҳол. Чунки аҳолининг кам таъминланган қатлами даромадларининг асосий қисмини банд қилувчи бирламчи эҳтиёж товарлари – бу ноэгилувчан товарлардир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Макроэкономика // Под ред. Гальперина В.М. СПб.1997. -с.456
2. Экономическая теория // Под ред. В.И.Видяпина, Г.П.Журавлевой. -М.: ИНФРА-М, 2002. -с.574
3. Горский И.О. О признаках налога в Налоговом кодексе Российской Федерации./Финансы 2004№9.С.33
4. Экономическая теория./Под ред. И.П. Николаевой. М.: Проспект,2001 С.275
5. Самуэльсон П. Экономика. -М.: ИНФРА-М.1999. -с. 228
6. Фридман М. Если бы деньги заговорили. Пер. с англ. -М.: Дело. 1999. - 160 с.
7. Аронов А.В., Кашин В.А. Налоги и налогообложение. -М.: ИНФРА-М. 2004. - с.40.
8. Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов. -М.: Финансы и статистика. 2003. -с.116
9. Быкова А.Ю., Тикшаева Л.В. Прогрессивная шкала налогообложения как инструмент сокращения неравенства доходов населения // Налоги и налогообложение. –М.: 2016. № 5. -с. 393-401.
10. Аронов А.В., Кашин В.А. Совершенствования налоговый политики стран СНГ // Налоги налогообложение. -М.: 2004. -с.40.
11. Синягин А. Как оценить общественные услуги. // Эксперт. 2004. №19. -с.72
12. Стиглиц Дж.Ю. Экономика государственного сектора. -М. 1996. -с.371
13. Блауг М. Джон Стюарт Милль Экономическая мысль в ретроспективе. - М.: Дело. 1994. -с. 164-206. -ISBN 5-86461-151-4.
14. Макконнелл Кэмпбелл Р., Брю Стэнли Л., Флинн Шон Масаки Экономикс: принципы, проблемы и политика. 21-изд. // -М.: НИЦ ИНФРА-М. 2020 г. -с. 1152
15. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение в Российской Федерации. -М.: ЭКСМО. 2002. -с.73
16. Стиглиц Дж. Ю. Экономика государственного сектора. –М.: ИНФРА-М. 1996. -с.371
17. А.А.Соколов Теория налогов. -М.: ЮрИнфоР-Пресс. 2003. -с.368.; Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение. -М. 2002. -с.172.
18. Локк, Д. Два трактата о правлении // Д.Локк. пер. с англ. Е.С.Лагутиной. - 4-е изд., эл. -М.: Челябинск: Социум. 2020. -496с. -Режим доступа: по подписке. - URL: <https://biblioclub.ru/index.php?page=book&id=600574> -ISBN 978-5-91603-701-2.
19. Блауг М. Рикардо Давид // 100 великих экономистов до Кейнса // -СПб.: Экономикс, 2008. - с.246.
20. Классика экономической мысли: Сочинения. - М.: Эксмо-Пресс, 2000. -895 с.
21. Кенэ, Тюрго, Дюпон: Физиократы. Избранные экономические произведения. -М.: ЭКСМО. 2018. -с. 138.
22. Canard N. Principes d'économie politique // -Paris : F.Buisson, 1801, in-8, 236 p. //[https://books.google.ru/books?id=OpelzuX510sC&pg=PP7&redir\\_esc=y#v=onepage&q&f=fal](https://books.google.ru/books?id=OpelzuX510sC&pg=PP7&redir_esc=y#v=onepage&q&f=fal)
23. Блауг М. Прудон, Пьер-Жозеф // 100 великих экономистов до Кейнса // - СПб.: Экономикс, 2008. -с. 244-245.

24. Блауг М. Курно Антуан Огюстен // 100 великих экономистов до Кейнса // - СПб.: Экономикус, 2008. -с. 152-154.
25. Вальрас Л. Элементы чистой политической экономии. -М.: Изограф, 2000. - 448 с. // [https://www.gumer.info/bibliotek\\_Buks/Econom/valr/index.php](https://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Econom/valr/index.php)
26. Джевонс У. Ст. Деньги и механизм обмена // Уильям Стенли Джевонс; пер. с англ. -Челябинск: Социум, 2005. 192 с. (Серия: «Библиотека ГВЛ: Деньги») // [https://vl.ucoz.org/\\_Id/0/72\\_146r\\_Jevons\\_Mon.pdf](https://vl.ucoz.org/_Id/0/72_146r_Jevons_Mon.pdf)
27. Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов. -М. ИНФРА. 1996. -с.156
28. Хансен Э. Экономические циклы и национальный доход. -М.:Иностранная литература, 1959. - 256 с
29. K.Wicksell Interest and prices. // [https://cdn.mises.org/Interest%20and%20Prices\\_2.pdf](https://cdn.mises.org/Interest%20and%20Prices_2.pdf)
30. Фискальное регулирование экономического развития государства в посткризисный период // Под ред. проф. А.Д.Данилова: Монография. - Киев: Киевский экономический институт менеджмента. 2011. -с. Пушкарева В.М. История финансовой мысли политики налогов. М.1996 С.159
31. Селигман, Э. Этюды по теории обложения [Текст] // пер. студ. В.Гефдинга и Б.Никольского, под ред. и с предисл. проф. М.Н.Фридмана. - Санкт Петербург. Типография "Правда" 1908 г. // <http://library.fa.ru/files/Seligman.pdf>
32. Хеппе Г. Экономическая и социологическая теория налогообложения. // Отечественные записки. №4-5. 2002. -с.239
33. Макконнелл Кэмпбелл Р., Брю Стэнли Л., Флинн Шон Масаки Экономикс: принципы, проблемы и политика. 21-изд. // -М.: НИЦ ИНФРА-М. 2020 г. -с. 1152.
34. Самуэльсон П. Экономика. -М.: ИНФРА-М. -1989. -с. 267.